

АҲОЛИГА КОММУНИСТИК МАФКУРАНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА СОВЕТ БАЙРАМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Нодира Сардаровна РАСУЛОВА

доцент

тарих фанлари номзоди

Жамоат хавфсизлиги университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Коммунистик партия томонидан янги ўйлаб топилган ва оммавий тарғиб қилинган Совет байрамлари коммунистик мафқурани мустаҳкамлаш усулларида бири бўлиб, кейинчалик янги дунёқараш асосида бирлаштириш ғоясига асосланганлиги, уларни ўтказиш сиёсий кампаниялар билан тенглаштирилганлиги, миллий байрамлар ўрнини эса янги инқилобий, пролетар ва касбий байрамлар эгаллаганлиги қатор илмий адабиётлар ҳамда архив маълумотлари орқали таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: совет маданияти, янги байрамлар, мафкура, тарғибот, ташвиқот, коммунистик партия, урф-одатлар.

РОЛЬ СОВЕТСКИХ ПРАЗДНИКОВ В ПРОПАГАНДЕ КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ИДЕОЛОГИИ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ

Нодира Сардаровна РАСУЛОВА

доцент

кандидат исторических наук

Университет общественной безопасности

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье на основе научной литературы и архивных данных анализируются советские праздники, которые были придуманы и массово пропагандировались коммунистической партией, при этом являлись одним из методов укрепления коммунистической идеологии. Основу этих мер составляла идея объединения на основе нового мировоззрения, их проведение приравнивалось к политическим кампаниям, а национальные праздники заменялись новыми революционными, пролетарскими и профессиональными праздниками.

Ключевые слова: советская культура, новые праздники, идеология, пропаганда, агитация, коммунистическая партия, традиции.

Собиқ Совет тузуми даврида “ягона совет маданияти”ни барпо этиш мақсадида янги урф-одатларни ва маросимларни кенг ташвиқот қилиш тадқиқ этилаётган йиллардаги чоп этилган қатор асарларда ҳам янги урф-одатлар ва маросимларнинг ижтимоий ва идеологик моҳияти, уларнинг вазифаси, урф-одатлар ва байрамларнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги, урф-

одат ва маросим, анъаналарнинг ўзаро муносабати, урф-одатларнинг шакл ва мазмуни, ҳатто уларнинг атеистик аҳамияти таҳлил этилди. Совет ҳокимияти ўрнатилиши билан боғлиқ янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши кўп жиҳатдан янги мафкуранинг тарқалишига боғлиқ бўлди. Умуман, СССРнинг маданий сиёсатида социалистик идеалларни фаол тарғиб қилиш, саводсизликни йўқ қилиш, диний “қолдиқлар” ва хурофотларга қарши кураш, ғоявийлиги ва янгилиги билан ажралиб турадиган совет санъати моделини шакллантиришдан иборат бўлди [5; 727].

1920 йилларда инқилобий байрамларни ўтказиш ва ташкил қилиш методикаси жадал ривожланди, уларга тайёргарлик янада пухталашди. Байрам арафасида махсус тушунтирувчи маъруза ва суҳбатлар ўтказилиб, методик қўлланма ва рисоалар чоп этилди.

Байрамларни ташкил қилишда Совет ҳукумати уларнинг барча анъанавий шакллари дарҳол рад этмади. С. Н. Шаповалов ёзганидек, “...20-йилларнинг ўрталарида Биринчи май ва Октябрь байрамларини нишонлаш вақтида карнавал элементлари қўлланила бошланди. Кўча юришларига тирик расмлар, плакатлардан тузилган композициялар, статик фигуралар, макетлар ва бошқалар олиб чиқилди” [11]. Бу давр охирига келиб инқилобий байрамлар сони кўпайди. Октябрь инқилоби ва Интернационал куни икки кундан нишонлана бошлади. Одатда, байрамнинг классик модели икки қисмдан иборат бўлиб, тантанали расмий ва норасмий байрамлардан иборат бўлди. Биринчисига меҳнаткашларнинг намоёишлари, кўрик парадлар, кўча юришлари, мукофотлаш тадбирлари кирса, иккинчисига спорт тадбирлари, кўнгилочар тадбирлар, томошалар ва бошқа кирди [7; 41]. Давлат байрамлари мафкуравий тадбирларга айланди, “...коммунистлар уюштирган байрамлар инқилобчи халқнинг, меҳнаткашларнинг байрами бўлмай қолди” [8; 300]. Давлат байрами ҳиссий таъсирининг манбаи унинг “омма” билан боғлиқлиги эди. 1920 йиллардаёқ байрамлар “омма” кайфиятини ифодалашнинг янги шакли деб аталарди. “Оммавийлик борган сари пухта режалаштириш объектига айланди. Ахир, Совет байрамининг ушбу

конунийлаштирилган тимсолини ижобий нуқтаи назардан тақдим этиш керак эди [9; 95].

Совет байрамлари янги мафкурани мустаҳкамлаш усулларида бири эди. Уларни ўтказиш сиёсий кампаниялар билан тенглаштирилди ва янги байрам маросими бўлишини талаб қилди. Улар диндорликка, халқ байрами маданиятига қарши курашиб, инқилобий дунёқарашни жорий этишга хизмат қилиши керак эди. Большевиклар ўз мақсадларига эришиш учун черков ва халқ байрамларида қабул қилинган маросим ҳаракатлари элементларидан, оддий одамларга тушунарли бўлган оддий ва ҳиссий шакллардан фойдаландилар. Уларнинг тузилиши бир хил, жумладан, митинглар, кўча юришлари, йиғилишлар, инқилобий кўшиқлар, маърузалардан иборат бўлди.

Совет удумлари 1920 йилларда янги мафкуравий парадигманинг муҳим элементларидан бири сифатида шакллана бошлади. Кўпгина байрамлар совет мафкураси билан боғлиқ тарбияга қаратилганлиги сабабли ёшлар билан бирга ўтказилди, байрамларни ишлаб чиқиш, ташкил қилиш ва ҳаётга жорий этиш комсомолга юклатилди [1;503].

1929–1930 йилларда ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг Ўрта Осиёда партия ва инқилобий ҳаракат тарихини ўрганиш бўлими томонидан Туркистоннинг марказга қўшилишининг 10 йиллиги, Тошкентдаги Январь воқеаларининг 11 йиллиги, Миллий давлат чегараланишининг 5 йиллиги, Транскаспий fronti тугатилганининг 10 йиллиги, Ленин кунлари каби қатор юбилей тадбирлари амалга оширилди [16].

Бундан кўзланган асосий мақсад аҳоли ўртасида диний анъаналарни йўқ қилиш ва янгиларини яратиш эди. Байрамлар ҳаётга жорий бўлиши учун уларга қизиқиш уйғотиш, уларнинг кадриятлари аҳоли томонидан қабул қилиниши учун байрамларни жамоавий қилиш керак эди. Совет байрамларини нишонлашга мафкуравий кураш шаклларида бири сифатида қаралди ва улар сиёсий кампаниялар билан тенглаштирилди. Уларнинг ўтказилиши янги байрам удумлари бўлишини талаб қиларди. Байрамларга пухта тайёргарлик кўрилар, асосий йўналиш РКП(б) МКнинг кўрсатмаларида

белгилаб бериларди. Уларни ўтказиш режалари ВКП(б) МКнинг тарғибот бўлими томонидан ишлаб чиқиларди. Байрамларни ўтказиш сценарийлари ва методикаси Халқ таълими комиссарлиги томонидан ишлаб чиқиларди. Қишлоқда ишлар кучайиши муносабати билан 1924 йилдан бошлаб қишлоқларда байрамга тайёргарлик ишлари билан “Главполитпросвет” қошидаги қишлоқда ишлаш бўлими шуғулланди. Ушбу идоралар совет байрамларини ўтказиш бўйича махсус қўлланмалар, тавсиялар чиқарди. Жойларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма ва циркуляр хатлар юборди ҳамда байрамларни ташкил қилишни мустақил талқин қилишга доимий тўсиқ бўлиб келди [4; 124].

1930 йиллардан бошлаб байрамлар янада дабдабали бўлиб борди, расмий байрам саналари кўпайди. М.Рольф ёзганидек, “...байрам мулоқотнинг барча бошқа шаклларида устун турарди, пировардида Олий Кенгашга сайловлар ҳам, Совет Иттифоқида яшашнинг ўзи ҳам “байрам” деб атала бошланди” [9; 8]. Байрамлар кетма-кетлигида танаффус фақат уруш бошланиши билан келди. Шу тариқа аҳолининг асосий қисмида инқилоб ва ҳокимият ҳақида умумий қарашлар шакллана бошлади. Вақт ўтиши билан байрам тадбирлари тобора уюшган ҳолда ўтказилиб, мажбурий хусусият касб этди [6; 1784]. Байрамлар умумхалқ анъаналари – Октябрь ва Май байрамлари, В.И.Ленин туғилган кун, Ғалаба байрами, Совет Армияси ва флоти куни ва бошқалар, ижтимоий ишлаб чиқариш анъаналари – ишчилар сафига қабул қилиш, паспорт топшириш, Совет Армияси сафига кузатиш, меҳнат юбилейлари, пенсияга кузатиш, меҳнат ва уруш ветеранларини шарафлаш, миллий ва маҳаллий байрамлар – ҳашар, Наврўз, гул байрами, қовун сайли, ҳосил байрами ва бошқалар, оилавий-маиший анъаналар – фарзанд кўриш, туй, балоғатга етиш ва шу сингари маросимлардан иборат бўлди [3; 18].

Бунда касбий байрамлар – “Геологлар куни”, “Шахтёрлар куни”, “Темирйўлчилар куни”, “Пахтакорлар куни”, “Механизаторлар куни”, “Чорвадорлар куни”, “Бригада куни”, “Ўқитувчилар куни” ва бошқалар

муҳим роль ўйнайди [10; 237]. Ер-сув ислоҳоти тугаллангач, камбағалларга ер берилган кунни деҳқонлар катта байрам куни – “Ер ислоҳоти байрами” деб атадилар.

Кутубхоналар, ўқув заллари, болалар боғчалари, мактаблар, ёдгорликлар очилишига бағишланган тантанали маросимлар ҳам байрам кунлари ўтказилди. Кейинчалик бу тадбирлар йилига икки марта – 7 ноябрь ва 1 май кунлари – ўтказиладиган намоёишларга алмаштирилди. Вилоят ижроия қўмиталари ёки қишлоқ кенгашлари идоралари яқинида митинглар бўлиб ўтар, сўнгра плакатлар ва дохий портретларини кўтариб, кўча юришлари ўтказиларди. Байрам тадбирининг иштирокчилари кўпинча бир қишлоқ кенгаши таркибига кирувчи барча қишлоқларни айланиб чиқиб, ҳар бирида митинг ўтказишарди [6; 1785]. Байрам ҳаракатининг бошида партия ва комсомол ташкилотларининг аъзолари, мактаб ўқувчилари, улар ортидан эса партиясизлар юришарди. Анъанавий кўча юришларининг янги мазмуни ва безатилиши одамларда қизиқиш уйғотарди. Намоёишчиларнинг олдинги сафида бўлиш катта шараф ҳисобланарди.

К.Жигульский ўз асарида давлат байрамининг қуйидаги элементларни ўз ичига олган типик моделини қуйидагича тасвирлайди: ...“давлат ғоясини ўзида мужассам этган рамз ва белгиларни улуғлаш, давлатнинг кудрати, суверенитети ва халқаро аҳамиятини таъкидлаш учун унинг қуролли кучларини намоёиш этиш, ҳокимият ва ҳукумат олдида ўзини кўрсатганларни омма олдида мукофотлаш” [2; 145].

Ўзбекистон ССРда ҳам Совет Иттифоқидаги барча республикалар сингари умумхалқ ва миллий байрамлар жуда катта тайёргарлик ва тантаналар билан ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, совет турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган совет қонунлари, анъана ва урф-одатларини фаол тарғиб этишнинг оқибати Ўрта Осиёдаги энг йирик, аҳолиси кўп, иқтисодий салоҳияти кучли бўлган Ўзбекистонда ҳам яққол сезилиб борди. Ўзбекистон КП МК биринчи котиби Ш.Р.Рашидов Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида қилган докладида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Атеистик

пропаганданинг таъсирчанлигини кучайтириш, социалистик турмуш тарзини қарор топтиришнинг муҳим воситалари сифатида прогрессив урф-одатларни татбиқ этишга кўпроқ эътибор бериш зарур” [18;54].

Мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик тизими қарор топиб мустаҳкамланиб бориши билан бир қаторда республиканинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёти муттасил сиёсийлаштирилиб ва байналминаллаштириб борилди ва ҳукмрон партия томонидан “социалистик қурилиш” ҳамда мустабид тузумни мустаҳкамлаш вазифаларига бўйсундирилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт шу қадар шиддат билан ўзгариб бордики, мавжуд ҳар бир масалага, муаммога сиёсий нуқтаи назардан қаралди. Бунинг натижасида миллийлик ўрнига амалда байналмилаллик устувор қилиб қўйилди, миллий қадриятлар, анъана, урф-одатлар оёқости қилинди. Асрлар бўйи мавжуд бўлган диний байрамлар ва ана шундай байрамлар сифатида бир қатор халқ миллий байрамлари ҳам маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан бекор қилинди, улар ўрнига “пролетар” байналмилал байрамлари тикиштирилди [14; 319].

Совет Иттифоқида Октябрь инқилоби ва Биринчи май байрамлари ана шу моделга батамом мос ҳолда ўтказилган. Ушбу байрамларнинг ҳар бири икки кун давом этган. Биринчи куни оммавий тантаналар, аввало, меҳнаткашларнинг намоишлари, Октябрь байрамида эса ҳарбий парад ҳам ўтказилган. Ушбу энг муҳим байрамлар Москвада Қизил майдонда бўлиб ўтган. Мавзолей минбаридан партия ва ҳукумат раҳбарлари байрам парадини қабул қилиб, меҳнаткашлар намоиши иштирокчиларини қутлаганлар. Байрамларда миллионлаб одамлар бевосита иштирок этган. Иккинчи куни кўнгилочар тадбирлар, ўйинлар, спорт мусобақалари, концертлар ва бошқа маданий томошалар бўлиб ўтган [2; 280]. Давлат тантаналарининг деярли ҳаммаси фақат шаҳарларда ўтказилган. Қишлоқда бундай тадбирлар ўтказилмаган. Шу боис коммунистик байрамлар маданияти фақат шаҳарларга хос эди [8; 298].

Ш.Плаггенборг давлат байрамларининг моҳиятини таҳлил қилар экан, қуйидаги хулосаларга келади: биринчидан, байрамлар тузумнинг ўзини

макташи учун улуғвор тадбирларга айланиши ҳақида гапириш нотўғри бўлади; иккинчидан, давлат байрамларни ташкил этар экан, халқ ва ҳукуматнинг бирдамлиги ҳақида таассуротни шакллантиришга қаратилган шакллар, қолиплар ва рамкаларни яратарди; учинчидан, дастлаб инқилобий бўлган байрамлар давлат тадбирларига айланган [8;317].

Бир қатор ҳудудларда маҳаллий партия ташкилотлари атеистик тарбиянинг янги шакл ва воситаларини амалиётга жорий этиш ташаббускори бўлди. Бу борада наманганликларнинг янги социалистик урф-одат ва маросимларни қарор топтиришга хизмат қиладиган “Шанба оқшоми” байналмилал дўстлик кечалари, “Чойга таклиф қиламиз”, “Хашар”, “Наврўз байрами”, “Гул сайли”, “Касб танлаш кунлари” каби тадбирлари кенг ёйилди. 1973–1975 йилларнинг ўзида шаҳарда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида 50 дан ортиқ маърифий илмий-атеистик тадбирлар ўтказилди [10; 196–197].

1977 йилнинг август ойида Тошкент шаҳри, Ўзбекистон КП МҚ тарғибот ва ташвиқот бўлими ва Буюк Октябрь Социалистик инқилобининг 60 йиллиги муносабати билан Бутуниттифоқ кўнгилли китобсеварлар жамияти (БКЖ) бошқарув маркази томонидан совет ҳокимияти йилларида СССРдаги қардош республикалар миллий адабиётининг гуллаб-яшнаганини акс эттириш мақсадида “Октябрь ва китоб” бутуниттифоқ байрами ўтказилди [17].

Сиёсат, маданият, фан ва турмушнинг турли масалаларига бағишлаб ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг конференцияларини ўтказиш, савол-жавоб кечалари, паспортларни тантанали вазиятда топшириш, ишчилар синфи сафига қабул қилиш маросимлари, комсомол тўйлари, оналик шуҳрати кечалари ва бошқа кўпгина мана шундай тадбирлар ҳам идеология ишининг кенг тарқалган формаларидан бўлиб қолди [15; 388].

Янги йил кутиш, болаларга атаб арча ясаш ўзбек оиласининг ҳаётидаги янгиликлардан бўлиб қолди. Ота-оналар болаларига арча ясатиб, зиёфат қилиб бердилар. Кишки мактаб каникуллари кунларида шаҳар майдонларида

ва хушманзара жойларда янги йил арчалари ташкил этилди. Театрлар, маданият саройлари ва клубларнинг заллари ва фойеларида, корхона ва муассасаларда, колхоз ва совхозларда, мактаб ва болалар боғчаларида болалар эрталиги ўтказилди, юқори синфларнинг болалари учун кечалар ташкил этилди. Туғилган кунни нишонлаш билан бир қаторда бошқа оилавий тантаналар: мактабни, олий ўқув юртини битириш, ҳукумат мукофотларини олиш ва шу каби тантаналар ҳам нишонланди. Инқилобий совет байрамларини – Улуғ Октябрь байрамини, Биринчи майни, Конституция кунини, 8 Мартни, Ғалаба кунини байрам қилиб ўтказиш оилавий одатлар қаторига кирди. Бундай байрамларга анча олдин тайёргарлик кўрила бошлади [15; 536].

В.Н.Попованинг фикрича, совет даври байрамидаги асосий янгиликлар куйидагилардан иборат бўлди: *динга қарши қаратилганлик* – анъанавий диний байрамларни (шунингдек, умуман динни) инкор этиш ва улар билан боғлиқ барча нарсаларни хотирадан сиқиб чиқаришга уриниш; *оммавийлик* – деярли барча байрамлар “умумхалқ” хусусиятга эга эди, совет даврининг барча афсоналари оммага ва оммавий онгга қаратилган эди; *меҳнатга мутлақо янгича муносабат* – агар илгари меҳнат тобелик, мазлум ва эзилган халқнинг мулкдорлар ва капиталистлар учун бажарган иши сифатида тасаввур қилинган бўлса, энди одамлар ишга “байрамга чиққандек” борадилар, социалистик мусобақаларнинг тугаши байрам кунларига тўғри келди, байрам бутунлай давлат тадбирига айланди, оилавий шахсий байрамлардан бошқа деярли барча байрамлар давлат мафкурасининг ифодаси бўлди; *мажбурийлик* – нафақат меҳнат, балки байрамлар ҳам мажбурий бўлди: байрам куни ишлаш ман этилганлиги қонунда белгилаб қўйилди, намойишларга чиқиш мажбурий бўлди, тартибга солинганлик; байрам технологияга айланди, байрамларни нишонлаш бўйича норматив ҳужжатлар ва тавсиялар ишлаб чиқадиган махсус қўмиталар тузилди (соат ва дақиқалари ҳам кўрсатилди) [7; 47].

Ўтказилган таҳлиллар большевиклар жамиятнинг кундалик ҳаётига инқилобий байрамларни киритишга катта эътибор қаратганлигидан далолат беради. Бундай байрамларга янги мафкурани мустаҳкамлаш усуллари билан бири сифатида қараларди. Улар синфий кураш, жамиятни “бизникилар” ва “беғоналар”га ажратиш, кейинчалик янги дунёқараш асосида бирлаштириш ғоясига асосланган эди. Янги кадрларни тарғиб қилиш эскиларини инкор қилиш билан бирлаштирилди: кўп асрлар давомида қарор топган халқ маданиятини, унинг ўзига хослигини ва таълим-тарбия соҳасидаги саъй-ҳаракатларини йўқ қилиш учун қаратилган кампания ўтказилди. Шу билан бирга, улар ўз мақсадларига эришиш учун оддий одамларга тушунарли бўлган анъанавий шакллардан, содда ва ҳиссий конструкциялардан фойдаланганлар. Аста-секин аҳолининг асосий қисмида инқилоб ва ҳокимият ҳақида ягона тасаввур ҳосил қилинди, натижада байрамлар шакли ўзгариб борди, уларни рамзий қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилди. Байрам тадбирлари мажбуриятга айланиб борди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Буреева Е. В. Комсомольская свадьба 1960-х годов в системе идеологического воспитания советской молодежи: замыслы и реализация // Новейшая история России. – 2020. Т.10. – №2. – С.503.
2. Жигульский К. Праздник и культура. Праздники старые и новые. Размышления социолога. – М., 1985. – С.145.
3. Зиётов О. Атеизм ва коммунистик дунёқарашни шакллантириш. Лекторга ёрдам. – Тошкент: Ўзбекистон ССР “Билим” жамияти, 1988. – Б.18.
4. Иникова С.А. Советские праздники в русской деревне // Российский этнограф. Этнологический альманах: Антропология. Культурология. Социология. – М.: Российская Академия наук, 1993. – С. 124.

5. Лепешкина Л. Ю. Советская культурная политика и традиционные обряды народов Поволжья: опыт взаимодействия // Новейшая история России. – 2018. – Т. 8, № 3. – С. 727.
6. Лебедева Л.В. Формирование советской праздничной культуры в 1920-е годы: новые ритуалы в процессе социального конструирования // Fundamental research. – № 2. – 2015. – С.1784.
7. Попова В.Н. Праздник как социокультурный феномен. Учеб. пособие. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2017. – С.41.
8. Плаггенборг Шт. Революция и культура: культурные ориентиры в период между Октябрьской революцией и эпохой сталинизма. – Санкт-Петербург: Журнал «Нева», 2000. – С. 300.
9. Рольф М. Советские массовые праздники. – М.: РОССПЭН, 2009. – С. 95.
10. Руководство Компартии Узбекистана коммунистическим воспитанием масс. – Ташкент: “Узбекистан”, 1981. – С.237.
11. Шаповалов С. Н. Советские революционные праздники в 1918–1920-е гг.// <http://cyberleninka.ru/article/n/sovetskie-revoljutsionnyeprazdniki-v-1918-1920-e-gg-1>
12. Шаповалов С.Н. Особенности организации и проведения первого советского государственного праздника в 1918 г. // Общество: политика, экономика, право. – 2001. – № 2. – С. 31–32.
13. Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихининг очерклари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1964. – Б.208.
14. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С. Камолов ва бошқ. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 319.
15. Ўзбекистон ССР тарихи. 4 томлик. Бош таҳрир ҳайъати: Р. Аминова ва бошқ. Т.4. – Тошкент: “Фан”, 1971. – Б.388.
16. ЎзР ПАА, 499-фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 3-варақ.
17. ЎзР ПАА, 58-фонд, 308-рўйхат, 45-иш, 1, 23-варақлар.

18. XIX съезд Коммунистической партии Узбекистана (3–5 февраля 1976 года) Стенографический отчет. – Ташкент: “Узбекистан”, 1978. – С.54.